



ТЕМИР YO'LCHI

Темір yo'للar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

О'ЗБЕКИСТОН ТЕМИР YO'LCHILARINING GAZETASI 2026-yil • 24-sentyabr • payshanba • № 37 (6617)

Мамлакатимиз темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш доирасида Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясида ишлаб чиқарилган тўртинчи тезюрар поезд Ўзбекистонга олиб келинди.

ЎЗБЕКИСТОНГА ТЎРТИНЧИ “HYUNDAI ROTEM” ТЕЗЮРАР ПОЕЗДИ ЕТКАЗИЛДИ



Мазкур поезд “Жанубий Корея – Хитой – Қозоғистон – Ўзбекистон” йўналиши бўйлаб мультимодал логистика орқали етказилди. Бунда денгиз, автомобиль ва темир йўл транспорти турларидан фойдаланилди.

Поезд таркибини етказиб бериш жараёнида қуйидаги амалий ишлар бажарилди:

- катта габаритли ва оғир юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари жалб этилди;
- транзит ҳудудларда юкларни кўчириш ва ортиш ишлари амалга оширилди;
- транзит, божхона ва сугурта жараёнлари ягона логистика занжири асосида мувофиқлаштирилди.

Юртимизга янги тезюрар поездларнинг олиб келиниши йўловчи ташиш тизимини ривожлантириш ва ички туризм учун қулайликлар яратишга хизмат қилади.



■ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ “INNOTRANS-2026”ДА ҚАТНАШМОҚДА



22 СЕНТЯБРЬ КУНИ БЕРЛИН ШАҲРИ (ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ)ДА “INNOTRANS-2026” ЙИРИК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ. УНДА “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ЖАМИЯТ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА.

Ушбу кўргазма темир йўл транспортидаги инновацияларга, хусусан, ҳаракатланувчи таркиб, инфратузилма, туннеллар қурилиши, поезд интерьерлари ва транспорт учун рақамли ечимларнинг энг сўнгги технологияларини намоиш этишга бағишланган.



ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

ПРЕЗИДЕНТ
ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВ
ТРАНСПОРТ-
ЛОГИСТИКА
СОҲАСИДАГИ
ЙИРИК ЛО-
ЙИҲАЛАР-
НИНГ БОРИ-
ШИ ЮЗАСИ-
ДАН ТАҚДИ-
МОТ БИЛАН
ТАНИШДИ.



Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиши, саноат ишлаб чиқариши ва ташқи савдо ҳажмининг кенгайиши транспорт инфратузилмасини изчил ривожлантиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонни Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа куруқлик йўлагининг асосий бўғинига айлантириш, халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бу борадаги устувор вазифалардандир.

2030 йилга қадар транспорт хизматлари ҳажмини икки баробар ошириш, соҳага 9,1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва

хизматлар экспортини 5,7 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Тақдимотда ушбу мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳалари, уларнинг муддатлари ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Аввало, аэропортлар қурилиши ва модернизацияси бўйича ахборот берилди. Ундан кейин автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Сўнг темир йўл тармоғининг ўтказувчанлигини ошириш бўйича тақлифлар тақдим этилди.

Бугунги кунда асосий транзит йўналишларидаги қатор темир йўл участкалари юқори юклама билан ишламоқда. Саноат юклари ҳажмининг ортиши ва янги юқори тезликдаги поездлар қатновининг йўлга қўйилиши мавжуд инфратузилмага талабни янада оширади.

Шу боис, Мактаарал – Сирдарё, Ангрен – Поп, Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон, Тошкент – Самарқанд ва Тўқимачи – Ангрен йўналишларини модернизация қилиш чоралари кўриб чиқилди. Ушбу ишларга 200 миллион доллар йўналтириш ҳисобига участкаларнинг ўтказув-

чанлигини 25-30 фоизга ошириш мумкинлиги қайд этилди.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши, Тошкент – Самарқанд йўналишида алоҳида юқори тезликдаги темир йўл барпо этиш, ҳудудлардаги темир йўл тармоқларини кенгайтириш ва электрлаштириш лойиҳалари юзасидан ахборот берилди. Юк вагонлари паркинни янгилаш, мазкур жараёнга хусусий секторни кенг жалб қилиш тақлифлари ҳам муҳокама қилинди.

Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва денгиз портлари орқали жаҳон

бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш масалалари алоҳида кўриб чиқилди.

Каспий денгизидagi Оқтау, Туркманбоши ва Боку, Қора денгиздаги Потти ва Анақлия портларида Ўзбекистон иштирокида логистика инфратузилмасини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар тақдимот қилинди. Хусусан, Потти портида логистика марказини ташкил этиш бўйича битим имзоланган, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Анақлия портини ривожлантиришда, шунингдек, Туркиянинг Самсун ва Истанбул портларига чи-

қишга хизмат қилувчи Нахичеван темир йўли қурилишида иштирок этиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Мазкур лойиҳалар тўқимачилик, кимё, қишлоқ хўжалиги ва кон-металлургия маҳсулотларини ташқи бозорларга етказиб бериш йўналишларини диверсификация қилишга хизмат қилади.

Халқаро йўлаклардан самарали фойдаланиш учун юртимиздаги логистика марказлари тармоғини ҳам кенгайтириш зарурлиги билдирилди.

Давоми 2-бетда

БИР КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАН

“ҚАРШИ” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИ: ИНФРАТУЗИЛМА ЯНГИЛАНМОҚДА, РАҚАМЛАШТИРИШ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

“ЎЗБЕКИСТОН
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ТАСАР-
РУФИДАГИ БАРЧА
ЛОКОМОТИВ
ДЕПОЛАРИ ТЕМИР
ЙЎЛ ТИЗИМИНИНГ
“ЮРАГИ” ҲИСОБ-
ЛАНАДИ.

“Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти таркибидаги “Қарши” локомотив депои филиалида ҳам поездлар сафарга чиқишдан олдин ва қайтгандан сўнг синчиклаб текширилади. Жараёнда асосий эътибор ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тормоз тизими, ғилдирак жуфтликлари, двигател ва электроника созлигига қаратилади.

Депода тепловоз, электровоз ва замонавий локомотивларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва рейс олди кўригидан ўтказиш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

Ҳаракат хавфсизлигини кафолатлаш мақсадида локомотивлар замонавий компьютерлаштирилган ускуналар ёрдамида диагностика қилинади. Бунда асосан техник воситаларга дизель ёқилгиси ёки электр токи тизимлари билан бирга, тормозлашни жараёнида ғилдираклар рельсда сирпанмаслигини таъминловчи махсус қум ва сув қўйилади.

Шунингдек, депода енгил техник созлашлардан тортиб, ҳаракатланувчи таркибларни бутунлай қисмларга ажратиб, қайта йиғишгача бўлган мураккаб таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Хусусан, жорий таъмирлаш жараёнида тез эскирувчи



деталлар, мойлаш маҳсулотлари ва филтрлар янгиланса, капитал таъмирлашда эса таркибнинг двигатели ҳамда энг йирик тизимлари янгисига алмаштирилади ёки улар қайта тикланади.

Бугунги кунда инфратузилманинг модернизация қилиниши ва рақамли технологияларнинг жорий этилиши депо фаолиятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Депо ҳудудига 4 минг 200 метр масофадан янги оқова сув тармоғи тортиб келинди.

Шунингдек, Тезкор ҳисоблаш бўлими, Электровозларни таъмирлаш цехи ошхонаси, 2-даражали техник кўрсатиш цехи устахонаси ҳамда 3-даражали техник кўрсатиш цехининг асбоб-ускуналар хонаси капитал таъмирдан чиқарилди.

– Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва инфратузилманинг янгиланиши корхонамизни янада ривожлантиришга омил бўлмоқда, – дейди депо бошлиғи Суюн Жўраев. – Хусусан, депода бир ой давомида ўртача 145 та локомотив 2-даражали ва яна 20 таси эса 3-даражали



ШУНИНГДЕК, ДЕПОДА ЕНГИЛ ТЕХНИК
СОЗЛАШЛАРДАН ТОРТИБ, ҲАРАКАТЛА-
НУВЧИ ТАРКИБЛАРНИ БУТУНЛАЙ ҚИСМ-
ЛАРГА АЖРАТИБ, ҚАЙТА ЙИҒИШГАЧА
БЎЛГАН МУРАККАБ ТАЪМИРЛАШ
ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.



техник хизмат кўрсатиш ҳамда 11 таси 1-даражали жорий таъмирлаш босқичларидан муваффақиятли ўтказилди.

Корхонада рақамлаштириш жараёнлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ходимлар бошқаруви “HRM Pro” дастури асосида юритилиб, маълумотлар mehnat.uz платформасида мунтазам янгиланган бўлиаяпти. Эътиборлиси, илгари барча ҳужжатлар қоғоз шаклида баённома қилиниб, ҳимоя учун пойтахтга олиб борилган бўлса, эндиликда бу жараён my.depo.uz сайти орқали онлайн форматда амалга оширилмоқда.

Олдин почта орқали юритиладиган корхоналараро ҳужжатлар айланмаси эса тўлиқ edo.iygo.uz тизимига ўтказилди.

Жумладан, машинистлар ва уларнинг ёрдамчилари рейс олдида ҳамда рейсдан қайтгандан сўнг ҳордиқ чиқариши учун депо тасарруфида иккита дам олиш уйи фаолият юритмоқда. Уларнинг биринчиси Қарши шаҳридаги депо ҳудудида жойлашган 32 ўринли, иккинчиси эса “Китоб” станциясидаги 21 ўринли дам олиш мажмуасидир. Жорий йилда ишчиларга янада қулай шароит яратиш мақсадида депо ҳудудидаги дам олиш уйида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, у замонавий кўринишга келтирилди ва янги мебель жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди.

Йил бошидан буён тизимда ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент ва Самарқанд темир йўл техникумларини тегишли ихтисосликлар бўйича тамомлаган 8 нафар ҳамда Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети битирувчиси бўлган 1 нафар истикболли ёш кадрлар доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан, давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 4 нафар ишчи-ходим “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланди.

Депода жамоани ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғломлаштириш масалалари ҳам доимий эътиборда. Бошланғич касаб уюшма қўмитаси томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 267 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди, 14 кишига турли сихатгоҳларга йўланмалар берилди ва нафақадаги 20 нафар фахрий темирйўлчига эсдалик совғалари топширилди.

Анъанавий тарзда ҳар бир байрам арафасида ходимлар рағбатлантирилиб, спорт мусобақалари ғолиблари муносиб тақдирланмоқда. Шунингдек, дастлабки олти ой давомида ноқулай меҳнат шароитида ишловчи 103 нафар ходимга 540 килограмм сут маҳсулотлари тарқатилди. Меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида ишчиларга 23 дона махсус иссиқ сақловчи кийим, 281 дона костюм, 134 дона ип-газмали тўплам, 34 дона пахта матоли халат ҳамда 5 дона пайвандчилик кийимлари билан таъминланди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Қарши” локомотив депои филиалида амалга оширилаётган модернизация ишлари, рақамлаштириш жараёнлари ва кадрлар салоҳиятини юксалтиришга каби бир қанча ислохотлар ягона ва улуғвор мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчи ва юklarни манзилига соғ-саломат етказиш ҳамда соҳа фидойилари учун муносиб меҳнат шароитини яратишга хизмат қилмоқда.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

ҚУЛАЙЛИК

Йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш ва сафар олдида қулай шароит яратиш мақсадида “Тошкент-Марказий” темир йўл вокзалида СТР зали фаолияти йўлга қўйилди.

“ТОШКЕНТ-МАРКАЗИЙ” ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДА ЯНГИ ХИЗМАТ – СТР ЗАЛИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



2026 йил 21 сентябрдан иш бошлаган мазкур зал йўловчиларга поездни кутиш вақтини қулай, шинам ва осойишта муҳитда ўтказиш имконини беради.



СТР зали хизматлари пуллик асосда кўрсатилади. Хизматлар нархлари залнинг ўзида белгиланган тартибда кўрсатилади.

- СТР залида йўловчилар учун:
- тоза ва озода кутиш жойлари;
 - юмшоқ ва қулай ўриндиқлар;
 - бепул интернет;
 - телевизор;
 - поездлар ҳаракати ва вокзал хизматлари ҳақида маълумот;
 - йилнинг иссиқ ва совуқ мавсумларида мўътадил ҳароратни таъминловчи қулай иқлим шароити;
 - ичимликлар ва енгил тамадди маҳсулотлари;
 - сафар олдида ҳордиқ чиқариш учун зарур барча шароитлар яратилган.
- Янги СТР зали — сафар олдида юқори сифатли хизмат, тинчлик ва мутлақо янги қулайлик рамзидир.

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хонобод ва Ангрен шаҳарлари, Янгийўл, Оҳангарон, Олот ва Термиз туманларини транспорт-логистикага ихтисослаштириш бўйича берилган топшириқлар ижроси юзасидан ахборот берилди. Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жами 17 та логистика маркази ва терминал лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Уларни жойлаштириш, инвесторларни жалб қилиш, молиялаштириш ва зарур инфратузилма билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тақдиротда юк ташувларини рақамлаштириш ва соҳада яширин иқтисодиётни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юк ташиш соҳасида кузатилмайдиган иқтисодиёт улуши ҳали ҳам 42 фоиздан юқори экани кўрсатиб ўтилди. Маҳаллий юк транспортларининг ягона реестри, электрон буюртмаларни шакллантириш ва барча транспорт хизматларини бирлаштирувчи электрон тизим мавжуд эмаслиги бу борадаги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Шу боис, ягона рақамли транспорт тизимини яратиш, ташувчилар реестрини шакллантириш, электрон йўл варақаси ва буюртмаларни қабул қилувчи агрегатор хизматини жорий этиш тақлиф қилинди. Халқаро ташувларда электрон рухсатномалар алмашинувини кенгайтириш ва юк ҳаракатини реал вақтда кузатиш имкониятларини йўлга қўйиш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Бу орқали ташувчилар учун қулайлик яратиш, норасмий хизматларни қонуний фаолиятга ўтказиш ва соҳада шаффофликни ошириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган лойиҳаларнинг муддатлари, молиялаштириш манбалари ва қутилаётган натижаларини аниқ белгилаб, уларни ўзаро уйғун ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Prezident.uz

■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

“ОЛАТЎН” СТАНЦИЯСИДА
КЎРГАЗМАЛИ ЎҚУВ-СЕМИНАР
БЎЛИБ ЎТДИ

“Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидagi станциялар бошлиқлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда йўл усталари иштирокида “Олатўн” станциясида кўргазмали амалий ўқув семинари ўтказилди.



Тадбир давомида иштирокчиларга темир йўл ҳўжалигида технологик жараёнларни тўғри ташкил этиш, мавжуд ускуналарни сақлаш ва эксплуатация қилиш, техник воситалардан белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, иш жараёнида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш масалалари юзасидан амалий тушунтиришлар берилди. Семинарни “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси Т.Ҳамраев олиб бориб, ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизлик талабларини таъминлаш, ходимларнинг иш жойларида белгиланган хавфсизлик меъёрларига амал қилиши, технологик жараёнларни тўғри ташкил этиш ҳамда мавжуд ускуналардан фойдаланишда эҳтиёт чораларига риоя этиш бўйича тавсиялар берди.

Шунингдек, семинар давомида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш, ходимларни иш жараёнида хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминлаш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Олатўн” станциясида ташкил этилган боғ ҳудуди ҳам кўздан кечирилиб, амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ва ашил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Семинар якунида иштирокчилар ўзаро тажриба, билим ва амалий қўникмалар алмашиб, ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда иш самарадорлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Бундай кўргазмали амалий ўқув-семинарлар ходимларнинг касбий билим ва қўникмаларини мустаҳкамлаш, хавфсиз меҳнат маданиятини юксалтириш ҳамда илгор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

“ЗИЁВУДДИН – НАВОЙИ”
СТАНЦИЯЛАРИ ОРАЛИҒИДА
ЯНГИ ТУННЕЛЬ ҚУРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари А.Камилджанов томонидан имзоланган тегшли фармойиш ижроси доирасида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Мазкур ҳужжат асосида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалига қаршли “Зиёвуддин – Навоий” темир йўл станциялари оралигининг 3863-километри 1-пикетида янги туннель қуриб битказилди.



Узел бош муҳандиси раҳбарлигида олиб бориладиган қурилиш жараёнида темир йўл остидан ўлчами 2,3×2,0 метр бўлган мустаҳкам темир-бетон туннель конструкцияси муваффақиятли ўрнатилди. Барча ишлар ҳаракат хавфсизлиги талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда, белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилди. Бу каби бунёдкорлик лойиҳалари темир йўл ҳўжалигини замон талаблари асосида янгилаш, инфратузилма объектларининг барқарорлигини ошириш ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлигини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ
– ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

“Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидagi корхона ва станцияларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш ҳамда поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида анъанавий кузги комплекс қўрик тадбирлари бошланди.



Мазкур тадбирлар филиал бошлиғи Ғ.Мамадалиевнинг жорий йил 8 сентябрдаги 74-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилмоқда. Узел бошлиғи раислигидаги махсус комиссия ва масъул бўлим раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ 21 сентябрь кундан эътиборан дастлабки ўрганиш ишларини “Оқназар” станциясидан бошлади. Қўрик давомида “Оқназар – Кумқўрғон – Термиз” темир йўл участкаси тўлиқ назоратдан ўтказилди.

Комиссия аъзолари томонидан йўналиш бўйича қуйидаги тизим ва объектларнинг ҳолати атрофлича ўрганилди:



- темир йўл излари, стрелкалар ўтказгичлар ва бошқа йўл қурилмаларининг техник соғлиғи;
- қўприқлар, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишмалари ҳамда йўл белгиларининг талаб даражасида сақланиши;
- сигнализация, алоқа ва электр таъминоти мосламаларининг шайлиғи;
- йўл бўйи ҳудудларининг ободончилиғи, бегона ўтлардан тозаланганлиғи ва ёнгин хавфсизлиғи ҳолати;
- станциялардаги иш технологияларига риоя этилиши ҳамда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазаси талабларининг бажарилиши.

Комиссия аъзолари аниқланган камчиликларни қайд этиб, уларни қисқа муддатларда бартараф этиш бўйича масъул раҳбар ва мутахассисларга аниқ топшириқлар берди. Шунингдек, мавсумий хавф-хатарларнинг олдини олиш, инфратузилманинг барқарор ишлашини таъминлаш ва ҳаракат хавфсизлигини кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Кузги комплекс қўрик ишлари тасдиқланган режа-жадвал асосида бошқа йўналишларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ БУТЛИГИНИ
САҚЛАШ – АСОСИЙ МАҚСАД

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбариятининг тегшли қўрсатмаларига мувофиқ, поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл изларини соз ҳолатда сақлаш ҳамда инфратузилманинг ишончли фаолиятини кафолатлаш борасидаги амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу мақсадда “Бухоро” вагон депосида Р65 типидagi 1/11 маркали стрелкалар ўтказгичнинг ейилиш оқибатида носоз ҳолатга келган крестовина қисми электропайвандлаш усули билан қайта тикланмоқда.

Таъмирлаш жараёнида қуйидаги технологик ишлар босқичма-босқич амалга оширилди:

- стрелкалар ўтказгич крестовинасининг ейилган юзалари аниқ белгилаб олинди;
- таъмирланадиган қисм атрофи махсус усудда чархланиб, ишга тайёрланди;
- металл деталь 100-110°С ҳароратгача қиздирилди;
- пайвандлаш аппарати ва махсус сим ёрдамида ейилган зоналар тўлдирилиб, мустаҳкамланди;
- қайта тикланган қисм 24 соат давомида табиий равишда совутилгач, белгиланган техник ўлчамлар асосида якуний чархлаш ишлари бажарилди.

Мазкур тадбирлар темир йўл инфратузилмасининг техник соғлигини таъминлаш, стрелкалар ўтказгичларнинг хизмат муддатини узайтириш ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Амударё устидан ўтувчи автомобиль
ва темир йўл қўшма кўпригида
ҳаракат вақтинча тўхтатилади

“Қипчоқ – Блок-пост-80” станциялари оралигининг 506-километри 6-пикетида таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда ва хавфсиз амалга ошириш мақсадида Амударё устидан ўтувчи автомобиль ва темир йўл қўшма кўпригида транспорт ҳаракати вақтинча тўлиқ тўхтатилади.

Чеклов вақти: 2026 йил 24 сентябрь соат 23:00 дан 25 сентябрь соат 06:00 гача бўлган вақт оралиғида кўприк орқали автомобиллар ва поездлар ҳаракати тўлиқ ёпилади.

Хайдовчилар ва йўловчилардан мазкур чекловни инобатга олиб, ҳаракатланиш йўналишларини олдиндан режалаштиришларини сўраймиз. Сизга етказилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узор сўраймиз!



В ВЕЛИКОМ НОВГОРОДЕ ЗАПУСТИЛИ ПРОИЗВОДСТВО
РЕЛЬСОВЫХ ПЛИТ ДЛЯ ВСМ

В Великом Новгороде запущено первое в России серийное роботизированное производство рельсовых плит для ВСМ Москва – Санкт-Петербург.



Мощность предприятия превышает 100 тыс. плит в год. Две роботизированные линии способны выпускать до 320 изделий в сутки, что позволит обеспечить до двух третей потребности магистрали.

Для ВСМ разработаны плиты из высокопрочного бетона с упругим полимерным слоем. Точность изготовления достигает 0,5 мм. Конструкция рассчитана на эксплуатацию при температуре от –50 до +50 °С и движение поездов со скоростью до 400 км/ч.

По словам главы РЖД Олега Белозёрова, новая технология позволит вывести инфраструктуру высокоскоростного движения на новый уровень.

ОБЪЕМ ПАССАЖИРСКИХ ПЕРЕВОЗОК НА ЖЕЛЕЗНЫХ
ДОРОГАХ ЕВРОПЫ ДОСТИГ РЕКОРДНОГО УРОВНЯ, ПРИ
ЭТОМ 95 % ПОЕЗДОК ПО-ПРЕЖНЕМУ ПРИХОДИТСЯ НА
ВНУТРЕННИЕ МАРШРУТЫ

Пассажирские железнодорожные перевозки развиваются в противоположном направлении по сравнению с грузовыми. Последние полные годовые данные Евростата показывают, что в 2024 году объем пассажирских перевозок в ЕС достигнет 443 млрд пассажиро-километров, что на 5,8 % больше, чем в 2023 году, и на 10,7 % превышает допандемический уровень 2019 года.

Показатель за 2024 год является самым высоким в текущей серии данных Евростата по основным железнодорожным операторам. Это подтверждает, что пассажирский спрос вышел за рамки фазы восстановления после пандемии COVID-19, хотя распределение этого роста свидетельствует о том, что европейский рынок по-прежнему носит ярко выраженный национальный характер и сосредоточен в нескольких странах.

По состоянию на сентябрь 2026 года 2024 год по-прежнему является последним годом, за который опубликован полный набор данных о пассажирских перевозках в рамках подробной серии «Statistics Explained» Евростата. Следующее обновление, охватывающее 2025 год, запланировано на 30 октября 2026 года. График представления годовой статистики по пассажирским перевозкам более продолжительный, чем по грузовым: у государств-членов есть восемь месяцев после отчетного года на представление данных по пассажирским перевозкам, в то время как для грузовых перевозок этот срок составляет пять месяцев.



АЗЕРБАЙДЖАН ПОЛУЧАЕТ СЕМЬ ГРУЗОВЫХ
ЛОКОМОТИВОВ CRRC ZIYANG AC50

Локомотивы прибыли в Баку и предназначены для грузовых перевозок по междугородному коридорам.

«Азербайджанские железные дороги» получили семь магистральных грузовых локомотивов AC50, изготовленных компанией CRRC Ziyang. Новая партия является частью продолжающегося процесса обновления парка локомотивов АДҮ. Кроме того, железнодорожная компания ведёт переговоры о закупке ещё 14 грузовых локомотивов, хотя о заключении контракта пока не сообщалось.

Локомотив AC50 предназначен для перевозки тяжелых грузов. Два локомотива могут работать в составе с одним экипажем, что позволяет обеспечить двойную тягу в поездах с большим весом без необходимости отдельного укомплектования экипажа для второго локомотива.

Каждый локомотив оснащен двумя компрессорами и главным пневматическим резервуаром объемом 2 000 литров. Компания АДҮ связывает такую конструкцию с эксплуатацией более длинных грузовых поездов. Указанный интервал технического обслуживания составляет 90 дней. Локомотивы соответствуют требованиям UIC Stage IIIA по выбросам.



■ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

УРУМЧИ ШАҲРИДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА СОҲАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамияти вакиллари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги бошчилигидаги делегация таркибида Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида хизмат сафарида бўлди.



Ташриф давомида делегация Урумчи шаҳридаги транспорт-логистика инфратузилмаси объеклари, соҳада жорий этилган замонавий ва инновацион технологиялар, шунингдек, “Урумчи” эркин савдо зонасининг имкониятлари билан яқиндан танишди.

Хизмат сафари доирасида Хитойнинг йирик логистика компанияларидан бири – Xinjiang Commercial Logistics вакиллари билан учрашув ўтказилди. Музокаралар давомида компанияга қаршли логистика марказида

юкларни консолидация қилиш, истиқболли қўшма инвестиция ва логистика лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришга хизмат қиладиган замонавий омбор инфратузилмасини ташкил этиш, “Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамияти логистика марказларида Хитой маҳсулотларини вақтинча сақлаш ва реализация қилиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

■ ДОНОЛАР БИСОТИДАН



Дунёкарашни нима ўзгартиради – илм, даромад, манфаат.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанким, илм бепоён.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Эй кўнгил, ибрат ол, боқ ҳар тушган
япроққа,

У ҳам аввал кўкдан боқарди тупроқ-
қа.

Тилингдан олдин қалбингни тарбия
қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан
чиқади.

Инсонлардаги гўзаллик бу – юздир,
юздаги гўзаллик эса – кўздир. Аммо,
инсонни инсон қилган бу унинг тилидан
чиқадиған – сўздир.

Жалолиддин РУМИЙ

Турли-туман тарбиявий ҳикоятлар
ва ҳикматли сўзларни тўплаш тенгсиз
давлатдир.

Иоганн Вольфганг фон ГЁТЕ

Мен одобни одобсиздан ўргандим,
чунки унинг қилганларини қилмадим.

Луқмони ҲАКИМ

Одоб – ақлнинг таржимонидир. Ин-
сон одоби қадар ақлли, ақли қадар ша-
рафли, шарафи қадар қийматлидир.

Шамс ТАБРИЗИЙ

Илмнинг аввали сукут, сўнг эшитиш,
сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни
тарқатиш.

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

Қадимда бир донишманд айтган
экан: “Мен вақтнинг нима эканини би-
ламан. Аммо “Вақт нима?” деб сўраса-
лар, айтолмайман”.

Асқад МУХТОР

Бой одамларнинг энг катта сири
шундан иборатки, улар бойлик нима би-
лан ўлчанишини билишади. Бойлик пул
билан ўлчанмайди, бойлик вақт билан
ўлчанади.

Роберт КИЁСАКИ

Бу дунёда муваффақиятга эришган
одамлар – зарур нарсаларни қидира-
дилар, агар топа олмасалар ўзлари уни
яратадилар.

Бернард ШОУ

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт
ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Инсон ҳаёти темирга ўхшашдир. Уни
ишга солганингда, у сайқаллашади, уни
ишлатмай қўйсанг-чи, занг еб қўяди.

Марк Порций КАТОН

Дунё ҳаёти уч кун: кеча, бугун, эрта.
Кеча ўтди, эртанинг бўлиши номаълум.
Шундай экан, бугунги кунни қадрлаш
лозим.

Ҳасан БАСРИЙ

Ҳаёт – велосипед ҳайдашга ўхшай-
ди. Мувозанатингизни сақлаш учун ха-
ракат қилишда давом этишинг керак.

Альберт ЭЙНШТЕЙН

■ ЭЪТИРОФ

УСТОЗ ШОГИРДНИ ТАНЛАМАЙДИ, ШОГИРД УСТОЗНИ ТАНЛАЙДИ

“Темирйўлқарго” акциядорлик жамия-
ти “Коррупцияга қарши ички назорат”
бўлими бошлиғи Нурилло Аҳмедов 1968
йил 27 сентябрда Тошкент шахрида ту-
ғилган. 1996 йил Тошкент давлат универ-
ситетининг иқтисодиёт факультетини
тамомлаган.



Меҳнат фаолиятини 15 ёши-
дан бошлаган қаҳрамонимиз 1994
йилдан буён темир йўл транс-
порти соҳасида самарали меҳнат
қилиб келмоқда. Ўтган давр мо-
байнида тармоқни рақамлаш-
тириш, меъёрий ҳужжатларни
такомиллаштириш, маркетинг
ва логистика йўналишларида му-
ҳим ташаббусларни ҳаётга татбиқ
этди. Ўзоқ йиллик ҳалол меҳнати
муносиб қадрланиб, 2022 йилда
“Фахрий темирйўлчи” кўкрак ни-
шони билан тақдирланди.

– Нурилло ака, болалик
йилларингиз қандай ўтган?

– Менинг ҳам болалигим тенг-
дошларимники каби ўзига хос ва
мароқли кечган. Ота-онамнинг
берган тўғри тарбияси ва фой-
дали маслаҳатлари сабаб бўлса
керак, мактаб давриданоқ ҳунар
ўрганишга иштиёқим балинд эди.
Шу боис дурадгорлик ва наққош-
лик тўғрақларига қатнашган-
ман. У ерда ёғоч ва фанерлардан
турли ўйинчоқлар, аравачалар,
миллий услубдаги кичик стол
ва қутичалар ясашни ўргандим.
Уларнинг устига ўз қўлларим бил-
лан нақш чизиб, бўярдим. Бундан
ташқари, бўш вақтларимни ба-
дийий асарлар, ҳикматли ҳикоялар
ва ривоятлар жамланган китоб-
ларни ўқишга сарфлардим. Ота-
онамнинг баъзида қаттиққўллик,
баъзан эса меҳр билан берган
тарбияси ҳаёт йўлимда энг катта
мактаб бўлди.

– Ўша даврдаги хотиралар-
дан қайсилари сиз учун энг
қадрли?

– Оилавий байрамларимиз,
бирор бир ишим аввало ота-онам,
колаверса, устозларим томонидан
эътироф этилиши мен учун энг
қадрли дамлардир. Улар берган
топшириқларни уддалаб, олқиш-
ларига сазовор бўлишдан қуво-
нардим.

Ҳунар ўрганишга бўлган қизи-
қишим сабаб “Ёш ҳунаромандлар”

олимпиадасида иштирок этиб,
200 га яқин қатнашчи орасида
“Фахрий ёрлик” билан тақдир-
ланганман. Бунга ҳаётимдаги илк
катта ютуқ деб биламан.

Энг катта баҳтим – ўша бегубор
даврларни ҳамон эслашиб туради-
ган боғчадош дўстларимнинг бор-
лигидир. Баъзида боғча хотирала-
рини қўмсаш эриш туюлар, аммо
бу айни ҳақиқат. Эътиборлиси,
бир боғчага қатнаган ўғил-қизлар
кейинчалик бир синфда ўқидик,
бир маҳаллада улғайдик. Мана,
55 йилдан зиёд вақт ўтса-да, ўша
қадрдонларим билан ҳамон бир-
гамиз. Вақти-вакти билан учра-
шиб турамиз, Telegram ижтимоий
тармоғи орқали ҳар кун сўхбат-
лашиб, ширин хотираларни ёдга
оламиз. Бу – бизнинг ўтмишимиз
ва у ҳеч қачон унутилмайди.

– Темир йўл соҳасига кириб
келишингиз ҳақида айтиб бер-
сангиз.

– Олийгоҳда ўқиб юрган кез-
ларимда Тошкентдаги 261-сонли
мактабда меҳнат таълими ўқи-
тувчиси бўлиб ишлаганман, ҳатто
ўқувчиларимни шахар танлов-
ларига олиб чиққанман. Тақдир
тақозоси билан мактабимиз жой-
лашган ҳудуддаги собиқ “Шумило-
ва” (ҳозирги Чуқурсой) станцияси
муассасамизга оталиққа олинган
эди. У ердаги контейнерларни ор-
тиш ва тушириш жараёнларини
кузатиб, қалбимда темир йўл со-
ҳасига меҳр уйғонган. Шу тариқа,



1994 йил 20 июнда ушбу станция-
га юк кассири бўлиб ишга кирдим.
Қизиғи шундаки, орадан беш ой
ўтиб, ўша йилнинг 7 ноябрида “Ўз-
бекистон темир йўллари” корхо-
наси ташкил топди. Шу маънода,
менинг меҳнат фаолиятим миллий
темир йўлимиз тарихи билан ба-
рорбар бошланган, дейишим мум-
кин.

Қарийб 33 йиллик фаолият-
тим давомида тизимнинг ҳар бир
нозик жиҳатини ўрганиб, ички
ҳужжатларни ишлаб чиқишда қат-
нашдим. Тўплаган билим ва таж-
рибамни Темир йўл транспорти
техникуми ҳамда малака ошириш
марказларида ёш қадрларга ўрга-
тиб келмоқдаман.

– Бугунги кунда юк ташиш-
нинг қайси жараёнлари ра-
қамлаштирилди?

– Ҳукуматимиз қарорлари иж-
росини таъминлаш мақсадида юк
эгаларига хизмат кўрсатиш учун
“Ягона дарча” тамойили асоси-
да автоматлаштирилган миллий
платформа яратилди. Бугунги кун-
да барча ҳисоботларни масофадан
туриб, тезкорлик билан амалга
оширмоқда. Бундан қўзланган
асосий мақсад – оворагарчилик-
ларни бартараф этиб, соҳани тў-
лиқ электрон тизимга ўтказишдан
иборат.

– Рақамли тизимларни жо-
рий этишда энг катта қийин-
чилик нимада бўлди?

– Ҳар қандай янгилик ва исло-
хот осонликча амалга ошмайди.
“Ягона дарча” тизимини яратиш
ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнла-
рида бошқа мутахассислар қатори
шахсан ўзим ҳам қатнашганман.



Ўша кезларда зарур компью-
тер техникаларини харид қилиш,
жойларга етказиш, интернет тар-
моғини тортиш ҳамда ходимлар
ва мижозларни янги дастурда
ишлашга ўргатиш каби қатор
муаммоларга дуч келинган. Ку-
вонарлиси, бугунги кунда бу қи-
йинчиликларнинг барчаси ортда
қолди. Мураккабликларни енгиб
ўтиш эса, аввало, инсоннинг ўз
касбига бўлган матонати ва ши-
жоатига боғлиқ.

– Сизнингча, кучли мута-
хассис бўлиш учун инсондан
қандай фазилатлар талаб эти-
лади?

– Танлаган соҳасининг етук
устаси бўлиш учун, биринчи нав-
батда, соҳавий адабиётларни,
одоб-ахлоқ меъёрларини шакл-
лантириш учун эса бадийий ки-
тобларни кўпроқ ўқиш лозим.
Шунингдек, тушунмаган нарсა-
сини сўрашдан уялмаслик керак.
Мақтабда ўқиб юрган вақтлари-
мизда синф деворига “Сўраб ўр-
ганган олим, орланиб сўрамаган
ўзига золим” деган мақол илиб
қўйиларди. Бу ҳикматга ҳаётимиз
давомида амал қилишимиз ло-
зим. Бундан ташқари, кўп йиллик
тажрибага эга фахрийларни хур-
мат қилиш, уларнинг ўғитларига
қулоқ тутиш ҳам муҳим фазилат-
дир. Шундагина вақти келиб ёш
авлод ва шогирдлар сиздан ўрнак
олади. Барчамиздан қўзланган
асосий мақсад эса — темир йўл
тизимининг ривожланишига му-
носиб ҳисса қўшишдир.

– “Фахрий темирйўлчи”
кўкрак нишонини олган вақ-
тингиздаги таассуротларингиз
билан ўртоқлашсангиз...

– Ушбу мукофот менга 2022
йилда насиб этди. Ўшанда “Ахбо-

рот дастурларини ишлаб чиқиш
ва жорий этиш” гуруҳида фаолият
юритардим. Касб байрами арафа-
сида мени “Ўзбекистон темир йўл-
лари” акциядорлик жамияти мар-
казий аппаратига қақаришганида
бироз ҳайрон қолганман. Маж-
лислар залига кирганимда тадбир
бошланаётган экан. Раҳбарият
соҳа ходимларини қутлаб, муко-
фотларни топширишга киришди.
Тўсатдан менинг ҳам исм-шари-
фим ўқилиб, соҳанинг энг олий
мукофоти — “Фахрий темирйўлчи”
кўкрак нишони тақиб қўйилди.
Ўша лаҳзадаги ҳаяжон, қувонч ва
масъулият ҳиссини сўз билан таъ-
рифлаш мушкул.

Кувонарлиси, тадбир якунида
мукофотланганлар номидан раҳ-
бариятга ташаккур билдириш ва
касбдошларимни табриклаш бах-
ти ҳам менга ишониб топширил-
ди. Бундай унутилмас ҳисларни
фақат шу шарафга эришган инсон-
гина тўлиқ ҳис эта олади. Ниятим,
мана шундай эътибор ва эътироф
барча фидойи темирйўлчиларга
насиб қилсин.

– “Устоз-шогирд” анъанаси
ҳақидаги фикрларингиз...

– Очиғини айтиш керак, ке-
йинги пайтларда бу анъана бироз
сусайиб бораётгандек. Инсонга
шунчаки китобни бериб, “ўқиб
ўрган” деганингиз билан у мо-
ҳиятни тўла англаб етмаслиги
мумкин. Шу боис тўғри йўл кўрс-
атадиган, касб сирларини ўрга-
тадиган устознинг ўрни беқийс.
Умуман олганда, касбидан қатти
назар, сизга юриш-туриш, қийи-
ниш ва муомала маданиятидан
сабоқ берган ҳар бир инсон устоз
мақомига лойиқдир. Ҳаёт йўли-
даги энг улуғ устозларим — ота-
онамдир.

Шу билан бирга, темир йўл
соҳасида менга кўп нарсани ўр-
гатган ва бугунги кунда кексалик
гаштини сураётган устозим Ва-
лиев Тохир Акбаровичнинг бир
гапи қулоғимга қуйилиб қолган:
“Устоз шогирдини танламайди,
шогирд устозни танлайди. Фа-
лончи менинг шогирдим, дейиш-
га устознинг ҳаққи йўқ, шогирд ўз
устозини тан олиши керак”. Мана
шундай инсонга шогирд бўлга-
нимдан фахрланаман. Мен ҳам
ўзини менга шогирд деб билган
барча ёшларга вақти келиб эл ар-
доғидаги устозлар қаторидан жой
олишларини тилаб қоламан.

Аваз ОМОНОВ
сўхбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт курувчилари
касаба уюшмиси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабилов Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-934 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6